

# ШАВВОЛ ОЙИНИНГ 6 КУНЛИК РЎЗАСИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАКИДА

[ Español ]

فضل شهر شوال وصيام ٦ منه

(باللغة الأوزبكية)

Шайх Мухаммад Солих ал-Мунажжид

الشيخ محمد صالح المنجد

**Таржима:** Мусулмон Ўзбекистон веб саҳифаси

muslimuzbekistan.com **ترجمة:**

**Таҳрир:** Мусулмон Ўзбекистон веб саҳифаси

muslimuzbekistan.com **مراجعة:**

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний ташвиқот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1428-2007

islamhouse.com

## **ШАВВОЛ ОЙНИНГ 6 КУНЛИК РЎЗАСИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ХАКИДА**

**Савол:** Шаввол ойининг рўзасини қачондан бошлаб тутишим лозим? Унинг ҳукми ва фазилатлари нима?

**Жавоб:** Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Сиз Шаввол ойининг рўзасини Шавволнинг иккинчи кунидан бошлаб тутишингиз мумкин. Чунки Шаввол ойининг биринчи куни, яъни Ийдул-Фитр куни рўза тутиш ҳаромдир. Сиз олти кунлик рўзани Шаввол ойи мобайнида исталган кунларда тутишингиз мумкин, бироқ солих амалларнинг яхшиси тезроқ бажариладиганларидир.

Фатволар ва илмий тадқиқотлар бўйича доимий кўмига куйидаги савол билан мурожаат этилганди: "Олти кунлик рўза Рамазондан сўнг хайит кунини ўтказиб дарҳол тутилиши шартми ёки уни хайитдан бир неча кун кейин Шаввол ойининг ичида тутиш ҳам мумкинми?"

Улар бунга куйидагича жавоб қилишди: "Бу кунлар Ийдул-Фитрдан сўнг дарҳол тутилиши шарт эмас. Балки уни хайитдан бир ёки бир неча кун ўтказиб тута бошлаш ҳам жоиздир. Уларни Шаввол ойи ичра узлуксиз ёки бўлиб-бўлиб тутса ҳам бўлади. Бунда инсон ўзига осонроқ нарсани қилиши мумкин. Бу борада кенглик, енгиллик бор. Бу рўзалар вожиб ҳам эмас, суннатдир".

Рамазоннинг фарз рўзасидан сўнг Шаввол ойида 6 кун рўза тутиш мустаҳаб суннатдир, вожиб эмас. Муслмон одамга Шаввол ойида рўза тутиши тавсия этилади, чунки унда улуг фазилат ва улкан ажр бордир. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган саҳих ҳадисга кўра, ана шу кунлар рўза тутган одамга бир йил рўза тутганининг савоби ёзилади. Абу Айюб разияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган: "Қимқи Рамазон рўзасини тутса ва ундан кейин Шавволнинг олти кунида рўзани давом эттирса, гўё бир умр рўза тутгандек бўлади". (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насай ва Ибн Можа ривоятлари.)

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бу сўзларини куйидаги ҳадисда тушунтириб берганлар: "Қимқи Ийдул-Фитрдан сўнг олти кун рўза тутса, бир йил тўлиқ рўза тутган бўлади". (Яъни қимқи бир яхшилик қилса, унга худди шундай ўн та яхшилик бўлади). Бошқа бир ривоятда эса: "Аллоҳ ҳар бир яхшилик учун ўн баробар миқдорида яхшилик тайинлади, шундай қилиб бир ой рўза тутиш 10 ой рўза тутишдек, олти кун рўза тутиш эса (60 кун рўза тутишга баробар бўлиб), бир йилни ташкил этади" дейилган. (Насой ва Ибн Можа ривояти. "Саҳихут-Тарғиб ват-Тарҳиб" китобига ҳам қаранг, 1/421.) Ибн Хузаймадан ҳам: "Рамазон ойида рўза тутиш ўн баробар савоб келтиради, олти кун рўза тутиш эса икки ойнинг савобини келтиради ва бу бир йил тўлиқ рўза тутиш бўлади", деган ривоят нақл қилинган.

Ханбалий ва Шофеий фуқоҳолари Рамазондан сўнг Шавволда олти кун рўза тутиш инсонни бир йил давомида вожиб рўза тутганининг савобига

эриштиради, чунки савобнинг бир неча хисса бўлиб ёзилиши нафл рўзаларга ҳам тааллуқлидир, ҳар бир яхшилик эса унинг ўн баробарича савоб келтиради, деб тушунтирганлар.

Шавволнинг олти кунда рўза тутишнинг фойдаларидан яна бири шуки, у инсоннинг фарз бўлган Рамазон рўзасини тутишдаги камчилик-нуксонларига каффорат бўлади. Зеро, ҳеч ким рўзасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган камчилик ёки гуноҳлардан холи эмасдир. Киёмат кунини банданинг баъзи нафл амаллари унинг фарз-вожиб амалларидаги нуксонларни тўлдириш учун хизмат килади. Бу ҳақда Набий алайҳиссалом шундай деганлар: "Инсонлар Киёмат кунини энг биринчи ҳисоб-китоб учун олиб келинадиган нарса уларнинг намозлари масаласи бўлади. Раббимиз азза ва жалла Ўзи яхши билса-да, фаришталарга қарата: "Бандамнинг намозига қаранглар, у тўла-тўқис эканми ёки ундай эмасми?" деб айтади. Агар банданинг намозлари яхши бўлса, яхши деб ёзилади, агар унда камчиликлар бўлса, Аллоҳ: "Қаранглар-чи, бандам бирон бир нафл ибодатлар қилган эканми?" дейди. Агар у нафл ибодатларни бажарган бўлса, Аллоҳ: "Бандамнинг вожиб амалларини унинг нафлларида олиб тўлгазинглар", дейди. Кейин унинг барча ишлари ана шу йўсинда ҳал этилади". (Абу Довуд ривояти.)

Аллоҳ яхшироқ билувчидир.